



## ЁШЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Отамуратов С.С.*

*Тошкент Молия институти  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудури,  
социология фанлари доктори*

**Аннотация.** Ушбу мақола жамиятни ривожланишида ёшларни инновацион фаолиятга жалб қилишнинг аҳамияти ҳақида ёзилган бўлиб, унда “инновация”, “инновацион фаолият”, “инновацион жамоа”, “инновацион салоҳият” тушунчаларига илмий таърифлар берилган. Бундан ташқари, социологик сўров натижаларига асосланиб, ёшларни инновацион фаолиятга жалб қилиш бўйича бир нечта таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, инновация, фаолият, илм-фан, техника, технология, тараққиёт, тафаккур.

**Кириш.** Ўзбекистонда ёшларнинг масалалари илмий тадқиқотларда турли иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда йўналишларда ва ҳар хил социологик фаол иштирокини таъминлашга муҳим вазифа ракурсларда тадқиқ қилинган. сифатида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Хорижий классик социологлар улар менталитетидаги янгиликка мойиллик, вакилларида Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, интилувчанлик ва ҳаётга нисбатан Р.Мертон, М.Вебер, С.Эйзенштадт, жўшқинлик, мамлакатимизда амалга К.Манхеймларнинг тадқиқотларида оширилаётган ислохотларга куч ва руҳият ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва унда кечаётган бағишлайди. Бугун ёшлар манфаатларини жараёнлардаги иштироки хусусида амалга ошириш ишлари давлат сиёсатидаги тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, ёшларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини ифодалаш мақсадида «аномия» (ижтимоий позицияси ва фаоллигини кучайтириш, меъёрлар ва институтларнинг тартибсизлиги, фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, инсон фаолиятининг ноаниқлиги ва замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта беқарорлиги) тушунчаси қўлланилган; ёшлар эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша хулқ-атворлари билан эҳтиёжлари ўртасидаги оладиган баркамол шахслар, етук муносабатларни таҳлил қилиб, улар ўртасида мутахассислар этиб тарбиялаш бўйича кенг тафовутлар мавжудлиги сабаблари кўламли ишларни олиб бормоқдамиз» [1]. кўрсатилган; замонавий ёшлар ҳаётнинг Янги Ўзбекистон ёшларининг инновацион мазмун-моҳиятини фандан фойдаланган ҳолда жараёнлардаги иштирокини ошириш муҳим излашга эмас, балки амалий масалаларни ҳал аҳамият касб этади. этишга интиладилар, «уларда прагматик ҳаракатлар устувордир»; ёшлар муаммоларини ўрганишда тузулмавий-интеллектуал тараққиётининг барча функционал ёндашув илгари сурилган ҳамда босқичларида долзарб мавзу бўлиб келган. ёшлик бу – болалиқдан катта ҳаётга ўтиш Чунки, мамлакатлар қайси даражада тараққий босқичи сифатида кўрилган; «ёшлар этмасин, уларнинг истиқболи ёшлар маданиятининг ўрни ва функцияси ижтимоий гуруҳларининг яратувчанлик, бу – ёшларни жамиятга интеграциясини бунёдкорлик ва уларнинг истиқбол йўли учун таъминлаш» ёшлар ҳақида фикр юритилиб, белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги уларни вояга етиши эмас, балки авлодлар фаоллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёшлар тушунчасида ўз ва уларнинг барча соҳалардаги фаолияти, ифодасини топиши ғояси илгари сурилган[2]. жамият ҳаётидаги роли ва хулқ-атвори Албатта, юқоридаги олимлар илгари сурган

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Ёшлар масалалари инсоният ижтимоий-интеллектуал тараққиётининг барча босқичларида долзарб мавзу бўлиб келган. Чунки, мамлакатлар қайси даражада тараққий этмасин, уларнинг истиқболи ёшлар ижтимоий гуруҳларининг яратувчанлик, бунёдкорлик ва уларнинг истиқбол йўли учун белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги фаоллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёшлар ва уларнинг барча соҳалардаги фаолияти, жамият ҳаётидаги роли ва хулқ-атвори

FAN, JAMIYAT VA INNOVATSIYALAR

Volume 1 Issue 7 Yanvar 2024



концепциялари ва қарашлари ёшлар муаммоларини ўрганишда методологик аҳамиятга эга.

Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган хорижий тадқиқотчилар қаторига Howard Williamson, Ron Johnston, Bastien Sheri, Holmarsdottir Halla, Daniele Morciano, Maurizio Merico, Anne-Marie Peatrik, Winthrop Rebecca, Dominic Rushe, Lauren Aratani and Amanda Holpuch, A.A.Rean, Jaime Marks, Lam Chun Bun, and Susan M. McHale Sara Gasior, Cheryl Forchuk, Sandra Regan Natalie Ross[3] кабиларни киритиш мумкин. Хусусан, ривожланган Ғарб мамлакатлари олимлари тадқиқотларида инновацион жараёнларнинг ёшлар ижтимоийлашувига прагматик таъсири, бу жараёнларнинг индивидуал эҳтиёжлар ҳамда англанган манфаатларнинг кучайиши барқарор тенденцияга айланаётганлигига эътибор қаратадилар. Улар ёшларни мустақил ижтимоий гуруҳ сифатидаги мақомига эмас, балки соҳа, касб, муайян кизиқишлар доирасида ижтимоийлашган шахс мақомидаги ривож, шунингдек, уларнинг оила муҳитидаги аҳволи, иш билан таъминлашдаги муаммолар, инновацияга жалб қилиш, таълим олишдаги қийинчиликлар, оиладаги ажралишларнинг ёшлар ҳаётига таъсири каби масалаларни тадқиқ этганлар. МДХ олимларидан О.И.Белый, Н.Б.Горбачева, В.В.Давнис, С.О.Елишев, И.М.Ильинский, В.А.Луков, А.И.Ковалева, И.С.Кон, А.Ф.Радченко, В.И.Чупров, Ю.А.Зубок, К.Уильямс[4] тадқиқотларида асосан ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатидаги мақомларини аниқлаш ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ масалалар, ёшлар ҳаётида трансформацион жараёнларда институционал омиллар устуворлигига эътибор қаратганлар. Аммо, трансформацион жараёнларда институтлашган омиллар, яъни ота-она, референт гуруҳлар, алоҳида шахслар (харизматик шахслар)нинг роли кам ўрганилган.

Ўзбекистон олимларидан М.Бекмуродов, А.Саидов, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибаев, Р.Убайдуллаева, М.Ганиева, Қ.Абдурахманов, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Норбеков, А.Қаҳҳаров, Т.Нарбаева, Б.Фарфиев, Н.Латипова,

А.Сеитов, А.Юнусовлар [5] ўз тадқиқотларида ўсиб келаётган авлодни ёш жихатидан гуруҳга ажратиб, уларни демографик гуруҳ сифатидаги «мақомлар»да таҳлил этганлар.

#### Тадқиқотнинг методологияси.

Тадқиқотда социологиянинг биографик, кузатиш, анкета сўрови, интервью, таҳлил усулларидан фойдаланилди. Умумий илмий тадқиқот методологияси сифатида муаллиф замонавий социология, унинг усуллари ва тизимли ҳамда функционал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда фикрлаш ва тадқиқотнинг категория аппаратларига таянади. Махсус социологик усуллар сифатида социологик сўров, маълумотлар синтези, интервью, кузатув ва эксперт хулосалари таҳлили ишлатилган.

**Таҳлил ва натижалар.** «Инновация» тушунчаси ўзбек илмий адабиётларида қўлланилаётганлигига унчалик кўп вақт бўлмади. Ушбу тушунчага тадқиқотчилар томонидан бир қатор таърифлар берилган бўлиб, замонавий жамиятда унинг долзарблиги янада ошиб бормоқда. «Инновация» тушунчаси содда ва осондек туюлса-да, амалда кўп қиррали ва мураккабдир. Бу унинг, бир томондан, инсон фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқлигида намоён бўлса, иккинчи томондан, уни ишлаб чиқариш, яратиш, амалиётга татбиқ қилиш ва ундан келадиган самара натижалар кўламининг реал ҳаётда ўз ифодасини топиши билан белгиланади. Бизнинг фикримизча, «инновация» – илм, фан, техника, технология, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларида кеча мавжуд бўлмаган, бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳиятини амалиётдаги натижаси сифатида янгидан яратилган янгиликлар, ихтиролар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши жараёнидир, дейиш мумкин.

Инновациялар инсон ҳаётининг сифат даражасини ошишига хизмат қилади. Масалан, саноатда жисмоний, кўл меҳнат ўрнига техника ёки ускуналарни жорий этилиши иш самарадорликни ошишига, умуман олганда саноат соҳасини ривожланишига олиб келди. Инновациялар



интеллектуал, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар фаолиятларида намоён бўлади.

Инновацион фаолият - инсон фаолиятининг турли соҳаларида унинг самарадорлигини оширадиган янги элементларни киритишдир. XXI асрда ҳар қандай замонавий жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий зарурати фаол инновацион фаолият ҳисобланади. Охириги 5 йил давомида илмий ва инновацион фаолият соҳаларида Ўзбекистонда бир нечта Қонун ва дастурлар қабул қилинди. Хусусан, “Инновацион фаолият тўғрисида” (2020 й. №ЎРҚ-630), “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” (2019 й. №ЎРҚ-576) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” Концепцияси (2020 й. ПФ-6097 сонли) қабул қилинган.

2021 йил ҳолатига мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда [6].

Инновацион фаолият янги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш истаги билан тавсифланиб, унинг амалга оширилиши бундай фаолиятга қодир одамларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Дунёда ижодий салоҳиятга эга бўлган кўплаб одамлар бор. 100 кишидан жуда кам даражада учдан бирдан кўп бўлмагани ижодий фаолликни намоён этиши мумкин. Шу билан бирга ижодий салоҳиятга эга бўлган ҳар ким инноватор бўла олмайди [7]. Шу муносабат билан мамлакатнинг инновацион ривожланишининг энг муҳим йўналиши ёшларнинг, биринчи навбатда, талабаларнинг инновацион ижодий фаоллигини рағбатлантириш ҳисобланади.

Талаба ёшларнинг салоҳиятини ижодий ва илмий ривожлантириш, уларнинг бизнес ғояларини тижоратлаштириш учун жуда кўп турли хил имкониятлар мавжуд. Масалан, Инновацион ривожланиш ва новаторлик

ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ва Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Бу чора-тадбирлар ёшларга ўзлари ишлаб чиққан инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришга ва шу орқали ўз илмий интеллектуал салоҳиятларини оширишга имкон беради. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилган, қонун ва қарорлар, ташкил этилган жамғармалар ёшларни инновацион фаолият атрофида бирлаштириш, унга қизиқтириш ва жалб қилиш учун самарали восита ҳисобланади.

Сўнги йиллиларда олий ўқув юртларида катта ўзгаришлар юз берди. Шу қатори, эндиликда олий таълимда нафақат таълим ва тадқиқот билан, балки тадбиркорлик билан ҳам шуғулланса бўлади. Чунки, Олий ўқув юртларнинг асосий вазифаси талабаларга сифатли таълим бериш, уларни меҳнат бозорида рақобатбардош қилишдан иборатгина бўлмай, балки улар учун узлуксиз инновацион таълим тизимини яратиш, турли даражадаги илмий лойиҳалар ва дастурларда иштирок этишларини таъминлаб берадиган профессор-ўқитувчи, олимларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва шу орқали иқтидорли ёшларни илм-фанга ва инновацион фаолиятга жалб этишдан иборат.

Инновацион фаолият билан шуғулланиш ва натижага эришиш учун, биринчидан, инновацион жамоа, иккинчидан, турли хил ресурслар мажмуаси (интеллектуал, моддий, молиявий, кадрлар, инфратузилма ва бошқалар) бўлиши керак.

Ушбу тушунчаларга таъриф бериб кетамиз. Инновацион жамоа - бу янги ғояларни яратадиган, уларни танқидий баҳолайдиган, ривожлантирадиган, амалда қўллайдиган талаба ёшлар гуруҳи. Инновацион салоҳият - бу ижодий шахснинг инновацияларни, унинг хоҳишини, қатъиятчилигини, ишончини тарғиб қилиш қобилияти. Давлатнинг келажаги ижодий шахснинг қобилиятига, унинг фаолиятига, жамият ривожланиши шароитида жиддий муаммоларни ҳал қилиш учун куч, имконият



ва истакларни топа оладиган ижодий шахсларнинг сони ва синергетик ўзаро таъсирига боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, инновацион потенциалнинг мавжудлиги илмий-техник фаолият натижаларини самарали тижоратлаштириш ва инновацион стратегияларни амалга ошириш учун зарур шартдир. Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда тадқиқотчилар сони, инновацияларга ажратилаётган маблағлар ўртасида фарқ бор.

ЮНЕСКО Статистика институти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар 1 миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони 980,3 нафарни ташкил қилади. Бироқ, худди шу манбага кўра, Жанубий Корея 10 047,9 ни ташкил қилади, Германияда - 7 538,6, Францияда – 6 418,9 ва АҚШда – 4 412,4 тадқиқотчи тўғри келади.

Мамлакатда инновациялар ривожига таъсир этувчи муҳим омиллардан яна бири фанни молиялаштиришдир. Ўзбекистонда илм-фанни молиялаштиришнинг асосий манбаи анъанавий равишда бюджет маблағлари бўлиб қолмоқда. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тадқиқот ва ишланмалар учун ажратилган маблағларнинг Ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши Ўзбекистонда 0,14%, Грузияда - 0,3%, АҚШда - 2,8%, Германияда - 3,1%, Японияда - 3,3% ва Жанубий Кореяда - 4,5% ташкил этади [8].

Бу вазиятнинг энг муҳим сабабларидан бири – бу илмий тадқиқотлар ва

инновацияларни амалга ошириш соҳасида нодавлат секторнинг жиддий иштирокининг йўқлиги ҳисобланади. 2020 йилда илмий-тадқиқот ва ишланмалар учун 824,7 миллиард сўм ажратилган, шундан 67 фоизи давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар, қолган 33 фоизи корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, мижозлар ва хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари томонидан инновацияларни амалга оширишдаги камчиликлардан яна бири – бу илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг паст даражаси. Хусусан, бунга мисол сифатида 2020 йилда ташкилотлар томонидан 4290 та инновация жорий этилган бўлса, шулардан 65 таси илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда, 20 таси олий ўқув юртлари билан биргаликда ишлаб чиқилган. Бу жуда ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади. Мисол учун, қуйидаги жадвалда Глобал инновациялар индекси бўйича 10 та энг илғор инновацион мамлакатларнинг 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот ва ишланмаларга Ялпи ички ҳаражатлари тўғрисида маълумот келтирилган [5]. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш керакки, Қўшма Штатлари ва Европа давлатларида корхоналарнинг илмий тадқиқоти ва ишланмаларининг 10% дан 20% гача бўлган қисми турли инвестиция усуллари орқали давлат бюджети томонидан молиялаштирилади [9].

**10 та энг илғор инновацион мамлакатларнинг 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот ва ишланмаларга Ялпи ички ҳаражатлари (фоизда) тўғрисида маълумот**

№	Давлат	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Швейцария	3.077		3.197		3.359
2	Швеция	3.363	3.321	3.388	3.490	3.402
3	АҚШ	2.904	3.010	3.170 3	3.468	3.457
4	Буюк Британия	2.323	2.705 2	2.666	2.931	2.915
5	Сингапур	1.899	1.814	1.897	2.217	
6	Финляндия	2.728	2.757	2.800	2.912	2.985
7	Голландия	2.179	2.139	2.184	2.322	2.269
8	Германия	3.047	3.110	3.167	3.131	3.129
9	Дания	2.931	2.966	2.897	2.973	2.761
10	Жанубий Корея	4.292 4	4.516	4.627	4.796	4.930



Ушбу жадвалдан хулоса сифатида, миллий инновацион тизимни яратишда давлат асосий иштирокчилардан бири бўлиши лозимлиги кўриниб турибди. 2023 йилда Глобал инновациялар индекси бўйича биринчи ўринни эгаллаган Швейцария 2017 йилда ЯИМнинг 3,07 фоизини илмий-тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирган бўлса, ушбу ташаббусни йилдан йилга кўтариб, 2021 йилда қарийб 3,4 % га етказган.

Мазкур 10 давлат ичида Ялпи ички маҳсулотнинг энг кўп улушини илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ажратган давлат Жанубий Корея ҳисобланади. Жанубий Корея 2017 йилда Ялпи ички маҳсулотнинг 4,3 фоизини илмий-тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 5,0 фоизга кўтарилган.

Ушбу жадвалда Сингапурда Ялпи ички маҳсулотнинг энг кам қисмини илмий-тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирган бўлсада, лекин ушбу давлат инновацион халқаро стартапларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратишда муваффақият қозонмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда инновацияларни жорий этишда корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ҳам етарли эмас. Давлат статистика кўмитаси томонидан ўтказилган намунавий сўровлар натижаларига кўра, 2020 йилдаги статистик маълумотларга асосан, респондентларнинг 21,9 фоизи инновациялар учун молиявий ресурсларнинг етишмаганлиги ҳақида, 15,3% - илгари киритилган инновациялар туфайли инновацияларга эҳтиёжнинг йўқлигини ва 14,2% - инновацияларга ҳаражатлар юқорилигини қайд этганлар [8]. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ҳисоботида кўра, ҳукумат илмий-тадқиқот ва илмий ишланмаларга сарфлаган ҳар 1 доллар учун бизнестан 1,7 доллар фойда келади [10].

Инновацион фаолиятнинг муҳим элементи сифатида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг янги шакллари излаш зарур ва яратилган инфратузилмадан самарали фойдаланиш учун ёш авлодни инновацион фаолиятга мақсадли тайёрлаш, шу жумладан, талаба ёшларни инновацион фаолиятга жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу

механизм, биринчи навбатда, қуйидаги йўналишларда ишларни амалга оширишни талаб қилади:

- Олий ўқув юртларда ўқиш даврида талаба ёшларни инновацион фаолиятга жалб қилиш;

- талаба ёшларни компаниялардаги амалга оширилаётган фаолиятга мослаштириш;

- талаба ёшларнинг касбий вазифаларини бажариш салоҳияти ва мартабасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш;

- талабаларни тадқиқот ишларини нашр этиш;

- талабаларнинг конференцияларда, талабалар лойиҳалари танловларида, давра суҳбатларида, университетлараро семинарларда, мунозараларда иштирок этишини таъминлаш;

- халқаро ёшлар ҳамкорлигини ривожлантириш.

Ушбу жараёнда инновациялар ёшларнинг инсон капитали сифатида намоён бўлишининг асосий воситаси ҳисобланади. 1911 йилда инновациялар назариясининг асосчиси Й.Шумпетер томонидан нашр этилган "Иқтисодий ривожланиш назарияси" асарида инновацияни (янги комбинациялар) фойда олиш учун тадбиркорлик воситаси сифатида кўриб чиқади. Кейинчалик, 30-йилларда, Й.Шумпетер иқтисодий ривожланишдаги бешта одатий ўзгаришларни аниқлайди: янги технологиялардан фойдаланиш, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янги бозор таъминотини жорий этиш (сотиб олиш ва сотиш); янги хуёсиятларга эга маҳсулотларни яратиш; янги хом ашёлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг моддий-техник таъминотида ўзгаришларни киритиш; янги бозорларни пайдо қилиш.

Ёшларнинг инновацион жараёнларда фаол иштирокига эришмасдан туриб, тараққиётимиз олдида турган вазифаларни ижобий ечиб бўлмайди. Фикримизча бундай вазифалар қаторига: а) ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш; б) уларнинг интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш; в) жамиятда



ижтимоийлашувига эришиш, яъни ягона мақсад йўлида турли ижтимоий гуруҳлар ва табақалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; г) инновацион ғояларнинг моддий жиҳатдан аниқ таъминланишига эришиш; д) яратилган инновацион ғояларнинг амалиётга татбиқ қилинишини ташкил қилиш масаласи туради.

Ёшларнинг «Инновация» тушунчасига муносабатлари ва унда қай даражада иштирок қилаётганлигини аниқлаш мақсадида 2021 йилда социологик сўровнома ўтказганмиз. Социологик сўровда жами 1605 нафар респондент иштирок этган [11]. Респондентларга, Ўзбекистонда инновациянинг қай даражада ривожланганлигига ёшларнинг муносабатларини аниқлаш мақсадида, «Сизнинг фикрингизча Ўзбекистонда инновация қандай ривожланмоқда?» деган савол берилди. Сўровда қатнашганларнинг 403 нафари (25,1 %) – «жуда суст», 163 нафари (10,2 %) – «ривожланяпти», 890 нафари (55,4 %) – «ўрта даражада», 117 нафари (7,3 %) – «жуда жадал», 32 нафари (2 %) эса «умуман ривожланмаяпти» деб жавоб беришган.

Инновация ривожланиш даражасини баҳоланишда аксарият ёшлар ўрта даражада (55,4%), жуда суст (25,1) деган фикр билдиришган. Демак, ёшларнинг кузатиши ёки шахсий тажрибаси бу масалада давлат томонидан яратилган қонуний асослар ҳаётда етарли даражада амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Лекин инновация ривожланётганлиги (10,2%) ёки жуда жадал ривожланаётганлигини (7,3%) белгилаганлар мавжудлиги, бу масалада ўзгариш бўлаётганлигини кўрсатади ва натижалар энди намоён бўлишини билдиради. Чунки барча соҳаларни инновацион асосда ривожлантириш учун вақт ва маблағ талаб этилиши ҳаммага тушунарли бўлса керак.

Ёшлар ўртасида ўтказилган социологик сўровда [12] респондентларга «Қайси соҳаларга инновацияларни кенг жорий этиш зарур?» (бир иштирокчи бир неча вариант белгилаганлиги ҳисобига 2 972 та жавоб белгиланган), деган савол берилганда, респондентлар қуйидаги фикрларни билдиришди: иқтисодий – 663 та (22,3 %);

ижтимоий – 448 та (15,1 %); информацион-коммуникацион – 473 та (16 %); илм, фан, таълим, техника ва технология – 770 та (26 %); маънавий-маърифий – 87 та (3 %); сиёсий – 85 та (2,7 %); тарбиявий (ота-она, оила, маҳалла, шу масалалар билан ишлайдиган нодавлат ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга) – 353 та (11,8 %); бошқа соҳаларга – 93 та (3,1 %) кенг жорий этиш керак.

Бу маълумотдан кўриниб турибдики, респондентларнинг аксарият қисми илм, фан, таълим, техника ва технология, иқтисодий, ижтимоий ва информацион-коммуникацион соҳаларга инновацияларни жорий этиш зарурлигини таъкидлаганлар. Бу табиий, албатта, чунки ана шу соҳалар мамлакатдаги барча соҳаларнинг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказди. Энг асосийси, ёш респондентлар томонидан муҳим масаланинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етилганлигидадир.

Мамлакатимиз ёшларида шахсий манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштириш руҳияти ва амалиёти ривожланиб бормоқда. Тадқиқот доирасида ёшларнинг қайси соҳаларга қизиқишлари ошиб бораётганлигини ва нимага эҳтиёжи мавжудлигини аниқлаш мақсадида «Ҳаётингиздаги юмушларни энгиллаштириш учун нима қилгансиз ёки қилмоқчисиз?», деган савол берилган [12]. Респондентларнинг 618 нафари (38,5%) иш (ўқиш) жойи бўйича фаолиятни энгиллаштириш учун таклиф билдирган; 384 нафари (24%) яшаш жойидаги маҳалла, бошқарув компания (ЖЭК) коммунал хизматларни яхшилаш юзасидан таклифлар билдирган; 356 нафари (22,1%) давлат ташкилоти, идоралар ва ҳокимликлар фаолиятини яхшилаш юзасидан; 247 нафари (15,4%) бошқа таклифларни билдирганлиги эътироф этилган.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, сўровда қатнашганлар (1605 нафар респондентлар, 100%) дан 1358 нафари (84,5%) ўз ҳаётларидаги мавжуд муаммоларни аниқ билишларини ҳамда уларни ҳал этишга ўзларининг амалий таклифларини билдирганлар. Бу кўрсаткичга ижобий қараган ҳолда, уларнинг аксарияти фақат таклиф



сифатида қолиб кетаётганлигини эътироф этганлар.

Бу кўрсаткичга аниқлик киритиш мақсадида респондентларга «Сизнинг фикрингизча ўқиш (иш) жойингизда ниманидир ўзгартириш керакми?» – деган савол берилган [12]. Жавоб қуйидагича бўлган: «Ҳа, ўзгартириш керак» – 991 нафар (61,7 %); «Йўқ, ўзгартириш керак эмас» – 353 нафар (22 %); «билмайман» – 261 нафар (16,3 %).

Бу келтирилган маълумотлар: ёшларимизнинг мамлакат ҳаётида кечаётган модернизациялаштириш жараёнларига монанд қарашлари ўзгариб бораётганлигини (991 нафар (61,7 %) тўғри англаб етаётганлигини) ва айти пайтда уларнинг бир қисмида (614 нафари (38,3) модернизациялаштириш эҳтиёжларини тўлиқ англаб етмаётганликларини кўрсатмоқда.

Респондентларнинг барча билдирган фикр ва таклифларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, деб ҳисоблаймиз: биринчидан, ёшлар мамлакатда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнларига бефарқ эмаслар ва унда ўзлари ҳам иштирок қилмоқдалар. Бу, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотларда ижобий ўзгаришларга эҳтиёж борлиги ҳақида билдирган таклифларидан кўриниб турибди; иккинчидан, улар орасида мамлакатда кечаётган жараёнларга етарлича қатнашмаётганлари ёки қизиқиши йўқлари, ёхуд бепарво бўлганлари ҳам борлигини эътироф этиш лозим.

Шу билан бирга ёшларда охириги бир неча йилда умумий дунёқараши ва сиёсий онги ўсганлигини кўзатишимиз мумкин. Улар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этмоқда ва уларнинг шижоати ва таъсири сезилмоқда ва ўсиб бормоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги масалаларни ҳал этишга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Ёшларнинг инновацион фаоллигини оширишда фан, техника ва

технология соҳаларида янгилик, ихтиро ҳамда кашфиётларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларни рақобатбардошлигини таъминлаш зарурдир. Бу мақсадларга эришишда таълим тизими ислохотини такомиллаштириш, хусусан, олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини кучайтириш, уларга хорижий юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва фан-илм уйғунлигини таъминлаш, иқтидорли талаба ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва бунда моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмлардан самарали фойдаланиш. Талаба ёшларни илмий-тадқиқот ишларини чоп этиш, амалиёт дарсларини кулайтириш ва иқтидорли талабаларни халқаро бозордаги рақобатбардош компанияларга ишга жойлаштириш каби вазифалар Олий ўқув юртларнинг энг муҳим вазифалардан бирига айлантириш зарур.

2. Ёшларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун уларнинг инновацион фаоллигини ошириш эҳтиёжларнинг ортиб боришига уйғун ҳолда ривожлантириш ҳамда замонавий илм, фан, техника ва технологиялар ютуқларини ёшлар ўртасида оммалаштиришга ҳамда уларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ошиб бориши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва ёшларни бунга кенг жалб этиш керак.

3. Жамиятни модернизациялаштириш жараёнида таълим ва тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уларни бошқаришда демократик услубларни жорий этиш, ёшларнинг ўқиши, илм олиши, фан, техника ва технологияга бўладиган қизиқиш ва ҳаракатларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда ёшлар онги, дунёқараши ва тафаккурини модернизациялаштириш талаблари асосида янгилаш ҳамда фаолиятларини янгилик, кашфиёт ва ихтиролар яратишга йўналтириш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Ушбу масалаларни ҳал этишда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлар ва ижтимоий фаол аҳолимиз биргаликда ҳаракат қилишса кўзланган мақсадларга эришилади.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. - Б.54-55.
2. Дюркгейм Э. Самоубийство: социологический этюд. - Спб., 1898; Дюркгейм Э. Identity: Youth and crisis. N.Y., 1968.; Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - М., 2004; Макс Вебер. Наука как призвание и профессия // Макс Вебер. Избранные произведения. Перевод: А. Ф. Филиппов, П. П. Гайденко. - М.: «Прогресс», 1990. - С. 720.; Т.Parsons Youth in the context of American society//The challenge of Youth/ Ed.by E.H.Erikson. N.Y.1965, Eisenstadt S.N. From Generation to ceneration, N.Y. The Free Press. 1956 - P.81; Мангейм К. Диагноз нашего времени. - М., 1994.
3. Dr Howard Williamson. Cornerstone Challenges for European Youth Work and Youth Work in Europe. Some reparatory thoughts for planning the 3rd European Youth Work Convention and implementing the European Youth Work Agenda. August 2020. [https://www.eywc2020.eu/downloads/doctrine/WebforumVeranstaltungenWebsiteBundle:Media-file-10/Challenges%20for%20Youth%20Work\\_Howard%20Williamson.pdf](https://www.eywc2020.eu/downloads/doctrine/WebforumVeranstaltungenWebsiteBundle:Media-file-10/Challenges%20for%20Youth%20Work_Howard%20Williamson.pdf); Ron Johnston. Changing society's ethnic structure: Politically feasible? <https://doi.org/10.1177/1468796819838723>; Bastien Sheri, Holmarsdottir Halla. Global Efforts to Advance Youth-Driven Innovation. <https://www.palgrave.com/gp/book/9783319662749>; Daniele Morciano, Maurizio Merico. Critical Youth Work for Youth-Driven Innovation: A Theoretical Framework [https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-319-66275-6\\_3](https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-319-66275-6_3); Anne-Marie Peatrik. Towards an anthropology of youth in Africa. <https://journals.openedition.org/ateliers/12620>; Winthrop, Rebecca. Top 10 Risks And Opportunities For Education In The Face Of COVID-19” Brookings. <https://www.brookings.edu/blog/education-plus-development/2020/04/10/top-10-risks-andopportunities-for-education-in-the-face-of-covid-19/>; Dominic Rushe, Lauren Aratani and Amanda Holpuch. 36m Americans Now Unemployed as 3m file for benefits. The Guardian, May 14 2020. <https://www.theguardian.com/business/2020/may/14/unemployment-us-data-coronavirus>; A.A. Rean. The Family in the Structure of Values of Young People. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/10609393.2018.1436294>; Jaime Marks, Lam Chun Bun, and Susan M.McHale. Family Patterns of Gender Role Attitudes. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/arti>; Sara Gasior , Cheryl Forchuk , Sandra Regan. Youth Homelessness: The Impact of Supportive Relationships on Recovery. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29301407/>; Natalie Ross. The effects of family culture on family foundations. <https://www.cof.org/content/effects-family-culture-family-foundationscles/PMC3270818/>.
4. Белый О.И. Определение понятия «молодежь». - М.: Теория и практика общественного развития. 2012. - С. 12; Горбачева Н.Б. Изучение молодежи в социологическом аспекте // Балтийский гуманитарный журнал. 2014. - С. 4; Давнис В.В. Молодежь как объект статистического анализа. - М.: Экономика, статистика и информатика. 2004. - С. 2; Елишев С.О. Молодежь как объект социализации и манипуляции. - М.: 2015; Ильинский И.М. Молодежь и молодежная политика: философия, история, теория. - М.: 2001; Ковалева А.И., Луков В.А. Социология молодежи: теоретические вопросы. М.: 1999; Кон И.С. Социология молодежи. ВКН: краткий словарь по социологии. М.: 1998; Радченко А.Ф. Молодежь и ее возрастание границы. <http://www.putn2012.ru/event>; Чупров В.И., Зубок Ю.А., Уильямс К. Молодежь в обществе риска. М.: 2001.
5. М.Бекмуродов. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. - Б. 160; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараккиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / Соц. фан. докт. дис.... – Тошкент: ЎЗМУ, 2005.; Холбеков А.Ж. ва б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараккиёт йўлида. –





Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 186; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент. Yangi kitob, 2016. – Б. 184.; Ganieva M. and others. Family violence in modern Uzbekistan, International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192. [https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/Volume\\_24](https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/Volume_24), PP.3926-3943; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. – Тошкент.: «Ўзбек ёзувчилари уюшмаси», 2004.; Содикова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Akademiya, 2019.; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. / Соц. фан. докт. дис.... – Тошкент: 2017.; Нарбаева Т. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели. Социодискурсив таҳлил. Монография.- Тошкент: Тасвир, 2020.Б.10.; Фарфиев Б.А. Ўзбекистон ижтимоий тараққийтида ислом рационализи омили. Социология фанлари доктори (DSc). Тошкент. 2020; Латипова Н.М. Социальная защита семей и детей. Монография. – Ташкент: Наврўз. – Б.215; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С.183.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармонида 1-илова. “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2 боб. - Б.5.

7. Коновалов В.М. Инновационная сага. Попытка перезагрузки. – Москва, Инно Центр.Ру, 2013. 303 с.

8. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда илм-фан ва инновацияларнинг ўрни. Тараққиёт стратегияси маркази// <https://strategy.uz/index.php?news=1814>

9. OECD Science, Technology and Industry Outlook 2014// <https://www.oecd.org/sti/oecd-science-technology-and-industry-outlook-19991428.htm>

10. Kou Kou. Effects of the Chinese Innovation System on Regional Innovation Performance//<https://www.scirp.org/journal/paperinformation?paperid=82649>

11. Отамуратов С.С. Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион жараёнлардаги трансформациялашуви: социологик таҳлил. Социология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2021. - Б. 20.

12. Отамуратов С.С. Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион жараёнлардаги трансформациялашуви: социологик таҳлил. Социология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2021. - Б. 24, 25, 28.

13. Абдрахимов А.Б. и др. Фундаментальная и прикладная наука: состояние и тенденции развития. – 2023.

14. Норкулов С. Д., Атамуратова Ф. С. Диалоговая технология в образовательном процессе //Сборник тезисов и докладов научно-практической конференции к. – С. 74.